

Ахборот-коммуникация технологиялари мавзусида энг яхши журналистик ишлар учун “Ҳамкор журналист” танловини ташкил этиш ва ўтказиш

НИЗОМИ

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Танловнинг асосий мақсади – оммавий ахборот воситалари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари (кейинги ўринларда – АКТ) соҳасига бағишланган медиа материалларни кўпайтириш орқали жамиятимизда ахборотлаштириш, “электрон ҳукумат”, телекоммуникация технологиялари йўналишларида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг фуқаролар ҳаёти ва турмуш тарзини қулайлаштиришдаги аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг АКТ бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, жумладан “электрон ҳукумат” тизимининг янги хизматлари ва қулайликларидан хабардор қилиш, оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда – ОАВ) вакиллари рағбатлантириш ва жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

1. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, жумладан давлат ва хусусий оммавий ахборот воситалари – газета, радио, телевидение, ахборот агентликларида ва интернет нашрларида фаолият олиб борувчи журналистлар иштирок этадилар.

2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) тизимдаги муассасаларнинг вакилларидан таркиб топган ташкилий қўмита зиммасига юклатилади. Ташкилий қўмита танловнинг ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради. Ҳакамлар ҳайъати таркиби вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги масъул ходимлардан ташкил топади.

3. Танлов ғолибларини аниқлаш 2 босқич – танловда иштирок этиш учун тақдим этилган медиа маҳсулотларни қабул қилиш ва саралаш жараёнларидан иборат бўлади.

4. Танловга қуйидаги 4 йўналишдаги материаллар 2017 йилнинг 10 апрелидан 25 августига қадар қабул қилинади:

- телевидение;
- радио;
- босма ОАВ;
- электрон ОАВ.

5. Танловда иштирок этиш истагида бўлган ОАВ вакиллари ўзлари муаллифликларида, 2017 йилнинг 10 апрелидан сўнг эълон қилинган телевизион, босма, радио ва интернет материалларини жорий йилнинг 25 августига қадар Вазирлик Ахборот хизматида тақдим этишлари керак.

6. Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими 2017-йилнинг сентябрь ойида ўтказиладиган “Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги” доирасида

ўтказилади. Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимининг куни ва жойи ташкилий қўмита қарорига асосан белгиланади ва www.mitc.uz сайтида эълон қилинади.

7. Танловга мамлакатимизда АКТ соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг аҳамияти кенг ёритилган таҳлилий-танқидий материаллар қабул қилинади.

8. Танлов қатнашчиларининг ёши чегараланмаган.

9. Танловда иштирок этиш истагидаги номзодлар медиа материаллар билан бирга, паспорт (ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) нусхасини тақдим қилишлари лозим.

10. Танловга тақдим этилган материаллар танлов ташкилий қўмитаси тасдиқлаган Ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланади ва шу асосда ғолибларнинг рўйхати шакллантирилади.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ҲАМДА ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Ташкилий қўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;
- танлов бошланиши тўғрисида белгиланган муддатларда оммавий ахборот воситаларига расмий эълон беради;
- танловнинг ўтказилиш шартлари (танловни ўтказиш қоидалари, муддати, баҳолаш жараёни, мезонлари ва босқичлари)ни белгилайди;
- Ҳакамлар ҳайъатининг таркибини шакллантиради;
- танловга аризалар қабул қилиш жараёнини ташкил этади, аризаларнинг мазкур Низомда кўрсатилган талаблар асосида расмийлаштирилишини назорат қилади;
- танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ташкил этади;
- танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этади.

2. Ташкилий қўмита ўз фаолияти давомида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- танловга тақдим этилган журналистик материаллар Низомда кўрсатилган талабларга жавоб бермаган, жумладан ижодий ишларнинг номзодга тегишли эмаслиги аниқланган тақдирда номзодни танловдан четлаштириш;
- танлов иштирокчиси мазкур Низомда кўрсатилган талабларни бузган ҳамда танловнинг ўтказилиш талаб ва шартларига мос келмаган тақдирда, номзодни танловдан четлаштириш.

3. Ташкилий қўмита аъзолари танлов жараёнида қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- танловнинг барча иштирокчилари учун тенг шарт-шароитларни яратиш;
- танлов эълон қилинган, ОАВ вакиллари сўровига асосан, журналистлар билан муайян мавзуларда материал тайёрлашда, хусусан ОАВ вакиллари зарур маълумотларни тақдим қилиш, махсус материаллар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш;

- танловнинг очик ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлаш;
- танлов натижаларини келишилган муддатдан аввал эълон қилинишига йўл қўймаслик.

4. Танлов иштирокчисининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- танловни ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида маълумот олиш;
- танлов эълон қилинган, мавзу ҳамда муайян йўналишда материал тайёрлаш бўйича Ташкилий қўмитадан маълумот олиш, мавзуларни танлашда ҳамкорлик қилиш;
- танловда иштирок этиш учун белгиланган муддатда журналистик ишларини топшириш;
- Ташкилий қўмитага танловга ҳужжат қабул қилиш муддати тугашидан камида 3 кун олдин мурожаат этган ҳолда, ўз ишларини қайтариб олиш;
- танлов ғолиби деб эълон қилинганида соврин(лар)ни ўзи ёки ишончли вакили орқали қабул қилиб олиш.

5. Танлов иштирокчисининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- журналистик ишларини топширишдан олдин танлов тўғрисидаги мазкур Низом билан тўлиқ танишиш, Низомда кўрсатилган талаблар асосида ижодий ишларини тақдим қилиш;
- Низомда кўрсатилган қоидаларга қатъий риоя этиш.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1. Танловда барча хоҳловчилар – профессионал журналистлар, Вазирлик ва унинг тизимидаги муассасалар ходимларидан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари танлов эълон қилинганидан сўнг телевидение ва радиода эфирга узатилган, газета ёки интернетда нашр қилинган, АКТ соҳасига бағишланган ўзбек ёки рус тилларидаги журналистик ишлари билан иштирок этишлари мумкин.

2. Журналистик ишлар видео (телевидение), аудио (радио), асл ёки кўчирма (босма ОАВ) шаклларда қабул қилинади. Шунингдек интернетда эълон қилинган материаллар принтердан чиқарилган, шунингдек ҳавола (линк)ни кўрсатган ҳолда тақдим қилиниши керак.

3. Танловга тақдим этилган журналистик материаллар Ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидаги асосий мезонлар бўйича баҳоланади:

- Мавзунинг долзарблиги;
- мавзунинг ёритилиши – таҳлилий-танқидий жиҳати, аҳоли учун содда ва тушунарлилиги;
- журналистик ёндашув – фикр, хулоса ҳамда тақлифлар.

ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

1. Танлов ғолибларини тақдирлашни ташкил этиш мақсадида, Ташкилий қўмитанинг мажлиси ўтказилади ҳамда танловнинг натижалари эълон қилинади, шунингдек танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

2. Танлов натижалари расман эълон қилингунга қадар Ҳакамлар хайъати ҳамда Ташкилий қўмита аъзолари бу ҳақдаги маълумотларни ошкор этишлари мумкин эмас.

3. Танлов натижалари ва ғолибларнинг рўйхати тақдирлаш маросимидан сўнг вазирликнинг расмий сайти ҳамда ахборот хамкорлари ҳисобланган ОАВда эълон қилинади.

4. АКТ мавзусида энг яхши журналистик ишлар учун танловининг **биринчи ўрин ғолиблари:**

- диплом;
- ноутбук;
- танлов статуэткаси;

иккинчи ўрин ғолиблари:

- диплом;
- планшет;
- танлов статуэткаси;

учинчи ўрин ғолиблари:

- диплом;
- смартфон;
- танлов статуэткаси билан тақдирланадилар.

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

1. Танловни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар тизимдаги ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади.